*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 224 (8714). ● 21 ноябрь, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.




● ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

**Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ номли колхознинг ташаббускор Тошкенбой Темиров бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Йиллик план ва мажбуриятларини районда биринчилар қатори бажарган деҳқонлар зиммаларидаги оширилган мажбуриятни ҳам шараф билан адо этдилар. 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 48 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Давлатга 477 тоннадан зиёд пахта топширилди. Бу бригада аъзолари районда ташкил этилган бригадалараро мусобақада ғолиб чиқдилар.**

● КОММУНИСТИК РАЙОНИ

«ЛЕНИНСКИЙ ПУТЬ» колхозида бу йил бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа яхши ташкил этилди. Бу беллашувга ўз вақтида якун чиқарилиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилди. Шунинг учун ҳозиргача колхоздаги мавжуд 20 та пахтачилик бригадасининг 16 дан ортиғи юксак социалистик мажбуриятларини бажариб қўйди. Бу борада, айниқса, Мусурмонқул Анорбоев, бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари юқори натижага эришдилар. Улар 201 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.

● ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

**СЕГИЗБОЕВ номли совхознинг Юсуф Нишонов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари йиғим-терим мавсуми бошлангандан буён пешқадамликни қўлдан бермай келишаяпти. Коллектив деҳқонлари 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб олдилар. Бу пландагидан тўққиз центнер ортиқдир. Шуниси диққатга сазоворки, тайёрлов пунктларига етказиб берилган пахтанинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилинди.**

● БЕКОБОД РАЙОНИ

РАЙОНДА мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бригадалар сони кундан-кунга ортиб бораяпти. Яна икки бригада ҳам маррага етди. «Далварзин» совхозининг Абдуҳамид Худойназаров бошчилик қилаётган бригадада 98 гектар майдондан жами 276 тонна пахта йиғиштириб олинди. Коллектив аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга сўз беришди. «Коммунизм» колхозининг Жамила Худойбердиева етакчилик қилаётган коллектив заршунослари она-Ватанга 130 тонна хом ашё етказиб бердилар. Бу бригаданинг мажбурияти яна 20 тонна пахта сотишдир.

* * *

**ОБЛАСТЬ маданият бошқармасининг агитбригадалари пахтакорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. 11—18 ноябрь кунлари колхоз ва совхозларда бошқарманинг 95 агитбригадаси, 766 кўчма кутубхонаси бўлди. Умуман, мавсум бошидан буён дала шийпонларида, далаларда меҳнаткашларга 2552 марта концерт қўйиб берилди. 2636 марта турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди. 586 бор мазмунли кечалар ташкил этилди.**

# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ Р. РЕЙГАН БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ



СУРАТДА: суҳбат пайти. (ТАСС фотоси).

19 ноябрь. Куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачевнинг Р. Рейган билан суҳбати давом эттирилди. Суҳбатнинг сўнгги қисми яккама-якка ўтди.

Кечқурун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари АҚШ Президенти шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Р. Рейган рафиқаси билан ва ҳар иккала томондан музокара қатнашчилари ҳозир бўлдилар. Қисқача нутқлар сўзланди.

* * *

20 ноябрь куни Женевадаги Совет ваколатхонасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Р. Рейган билан музокаралари давом эттирилди.

Музокаралар М. С. Горбачев билан Р. Рейганнинг яккама-якка суҳбатидан бошланди. Сўнгра музокаралар:

Совет томонидан — Э. А. Шеварднадзе, Г. М. Корниенко, А. Ф. Добринин, А. Н. Яковлев, Л. М. Замятин, А. М. Александров;

Америка томонидан — Ж. Шульц, Д. Риган, Р. Макфарлейн, А. Хартман, Р. Рижуэй иштирокида давом эттирилди.

Музокаралар куннинг иккинчи ярмида давом эттирилади.

(ТАСС).

## ЎН УЧИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ БОШЛАДИЛАР

**Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси каштачиси коммунист Шафоат Қорабоеванинг меҳнат календарида 1991 йилга ҳисоб очилган. У ўз жонажон корхонасида 20 йилдан буён меҳнат қилади. Шу йиллар давомида орттирилган тажриба, юксак малакаси туфайли илғор ишчи иккита ўрнига 4 та каштачилик автоматига хизмат кўрсатаётир. У кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш планларини 200—230 процентга етказиб бажараётир. Ҳозирги кунда илғор ишчи КПСС XXVII съезди очилиши арафасида 1992 йилги меҳнат календарини бошлаш мажбуриятини олган.**

М. БОБОЖОНОВА.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг металлурглари пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан зиммаларига олган йиллик социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Коммунист Арина Шек корхонада пешқадамлик қилмоқда. У 1993 йил ҳисобидан вольфрам сим топширмоқда ва 13 йиллик топшириқни бажаришга қарор қилди. Арина 12 та ўрнига 24 та станокда ишламоқда. Бу мамлакатдаги турдош корхоналар ичида энг юқори кўрсаткичдир. У ҳар куни 2—2,5 тадан норма бажармоқда, анча-мунча металлни тежамоқда. Пайвандловчилардан Муса Мирмусаев, Ўрозбой Авазов, ремонт-механика цехининг темирчиси Анатолий Москвин съездолди вахтасида туриб, икки беш йиллик топшириқни бир беш йилликда, муддатидан илгари бажардилар.

(ЎзТАГ).

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янгийўл | 0,09 | 113,02 | — | 116,15 |
| Ғалаба | 0,03 | 106,50 | — | 137,75 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,12 | 106,46 | — | 103,22 |
| Пискент | 0,03 | 105,97 | — | 94,89 |
| Чиноз | — | 104,36 | — | 85,05 |
| Коммунистик | 0,01 | 103,66 | — | 117,72 |
| Бўка | 0,02 | 102,03 | — | 106,90 |
| Оққўрғон | 0,01 | 100,49 | — | 102,02 |
| Бекобод | 0,34 | 96,59 | — | 58,58 |
| Область бўйича: | 0,08 | 103,49 | — | 101,31 |

**Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона — 110,01; Наманган — 107,41; Сирдарё — 100,94; Андижон — 98,53; Сурхондарё — 97,90; Хоразм — 93,89; Қорақалпоғистон АССР — 92,98; Жиззах —86,60; Бухоро — 84,81; Самарқанд — 84,30; Навоий — 82,38; Қашқадарё — 72,16. Республикамиз бўйича — 93,76.**

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

### ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ОЛИНДИ

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдорларча бошлаган Хўжакент махсус йўл қурилиш бошқармасига қарашли асфальт-бетон заводи коллективи катта муваффақиятни қўлга киритди. Ишчилар йиллик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Улар йил бошидан бери 45 минг тонна асфальт ишлаб чиқаришга эришдилар. Бунда барча завод ишчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, Т. Ҳасанов, В. Шехавцев, С. Соколов, Э. Йўлдошев, С. Шманский, Н. Зверев каби илғорларнинг улуши салмоқли бўлди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг бўлиб ўтган умумий йиғилишида барча резерв ва имкониятлар қайта кўриб чиқилиб, йил охиригача яна 4 минг тонна асфальт тайёрлаб беришга қарор қилинди.

А. ҒУЛОМОВ.

### 1180 ТОННАДАН ОШДИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ бошларида Бўстонлиқ районининг илғор сабзавотчилик бригадаси бошлиқларидан бир группаси ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиқишганди. Улар орасида Фрунзе номли колхознинг пешқадам бригадирларидан бири Анатолий Михайлович Югай ҳам бор эди. Бу йил у етакчилик қилаётган бригада аъзолари 38 гектар ерда деҳқончилик қилиб, давлатга пландаги 1031 тонна ўрнига 1180 тоннадан ошиқ маҳсулот топширишди. Ҳикмат Исматов, Павел Нам бошчилигидаги звено аъзолари, айниқса, мўл ҳосил етиштирдилар. А. Югай бригадаси беш йиллик давомида қабул пунктларига 5765 тонна сабзавот маҳсулотлари жўнатди. Бу кўзда тутилганидан 2176 тонна кўпдир.

А. ИБРОҲИМОВ.

## МАСЪУЛИЯТ

ФЛЮРА ўрта мактабни тугатиб олий ўқув юртига киришга ҳаракат қилмади. Ҳужжатларини қаерга топширганлигига қизиққан ўртоқларига эса «ишчи бўлмоқчиман», деб қўя қолди.

Мактабда касб танлаш дарсларининг бирида Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасидан келган вакиллар корхона ва у ердаги иш жараёнлари ҳақида гапириб берган эдилар. 1972 йили етуклик аттестатини олган Флюра тўғри шу фабрикага ишга келди. Ўрта бўй, нозик, чеҳрасидан кулги аримайдиган бу қизчани кадрлар бўлими қуюв-қопқоқлаш цехига жўнатди.

...Дастлаб цехдаги машина-механизмларнинг шовқини, эфир мойи ва бошқа хил моддаларнинг ўткир ҳидига кўникиш осон бўлмади. Аммо қуюв механизмидан бир маромда тўлиб чиқаётган духи, одеколон шишаларининг қопқоқлаш жараёни унга завқли туюла бошлади. Бир куни транспортердан келаётган одеколон шишаларини қопқоқлаб туриб, хаёлан магазин пештахталаридаги, ўзи тайёрлашга ҳисса қўшаётган маҳсулотлар кўз олдига кела бошлади. Шу дақиқада лента устидаги лиммо-лим шишалар бир-бирига қалашиб ағанаб кетди. У шошганча машинани тўхтатди. Буни зимдан кузатиб турган ёшлар мураббийси Людмила Тень ёрдамга келиб, қизни хижолатдан қутқарди. Кўп йиллардан бери шу цехда ишлаб, ҳурмат-эътибор қозониб келаётган бу меҳрибон аёлнинг қўл ҳаракати Флюрани ҳайратга солди. Қисқа фурсатда шишалар яна изга тушди. У раҳмат айтишга улгурмаёқ, Людмила опа машинани юргизиб, ўз жойига етиб борди.

Бу воқеага ўн уч йил бўлибди. Бу давр ичида Флюра Аҳмедова ишни энг илғор усулларда бажариш йўлларини топди. Билмаганларини тажрибали ишчилардан ўрганди. Тез орада унинг номи илғор ишчилар қаторида тилга олинадиган бўлди. Коллективнинг унга меҳри тушди ва ёш бўлишига қарамай ишонч билдириб, бригадир этиб сайлашди.

### ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

— Бир сменада қанча иш бажарасизлар,— деб сўраганимизда, шундай деб жавоб берди:— 29—30 минг идишга одеколон, духи қуйиб, уни қопқоқлаб жўнатишга тайёрлаб қўямиз.

Ҳа, айтишга осон. Бу дегани кечгача машиналар олдида тинимсиз меҳнат қилиш, демакдир. Илгари бригада аъзолари смена давомида муқим бир ишни бажаришар, смена тугагунча эса толиқиб қолишарди. Флюра шуни ҳисобга олиб ишчиларнинг ўринларини алмашиб ишлашларини таклиф этди. Ишнинг бу формаси тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Бригада кунлик нормани 110—120 процентга етказиб бажарадиган бўлди. Браксиз ишлаш йўлга қўйилди. Бу усул цехнинг бошқа бригадаларида ҳам кенг ёйилди. Шу туфайли цех анча муваффақиятларга эриша бошлади. Бунда эса Флюранинг озгина бўлса-да, ҳиссаси бор эди.

Ҳозир Флюра Аҳмедова бригадаси 18 номенклатурада маҳсулот тайёрламоқда. «Гвоздика», «Қари наво», «Кармень», «Сирень», «Цитрусовий», «Колорит», «Ландиш», «Огуречний» каби парфюмерия маҳсулотларига талаб катта. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари тинмай изланишди. Илғорлардан К. Солиқова, Н. Ғозиева, Г. Исроилова, Л. Алимовалар маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор беришади.

Шу кунларда қуйиш-қопқоқлаш цехи коллективининг қувончи чексиз. Бригада етакчиси Флюра Аҳмедова область мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди. Флюрага берилган мукофот коллектив меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасида ҳар йили 14 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Фабрика тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотларга Иттифоқимизнинг қардош республикаларида ҳам талаб ортиб бормоқда. Шуларни ўйлаганда Флюра ўзига берилган мукофотни нафақат шараф, балки катта масъулият деб билади.

Г. НАСРИДДИНОВА.



Суратда: Флюра Аҳмедова (ўртада) шогирдлари билан. А. Зуфаров фотоси.

## ПРОПАГАНДАНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МОСКВА. 20 ноябрь. (ТАСС). Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги, масъулиятли даврида партиянинг идеология соҳасидаги ишида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига муҳим роль берилмоқда. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, деб уқтирилади КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми ҳужжатларида, одамларни ўз мақолалари ва эшиттиришларининг сиёсий равшанлиги, ва собитқадамлиги, чуқур мазмуни, оперативлиги, ҳар томонлама маълумот бериши, ёрқинлиги ва тушунарлилиги билан ишонтириши керак.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг коммунистлари бугун ўзларининг ҳисобот-сайлов партия конференциясида партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш йўллари ва методларини ишчанлик билан ва ўз-ўзини танқид руҳида муҳокама қилдилар. Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан кишилар диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга қаратиб, ижодий ишларга отлантиришга оид таклифларни киритдилар.

Ҳозир партия ва унинг ташкилотлари бутун иши, меҳнат коллективларининг фаолияти КПСС XXVII съездига тайёргарликка бўйсундирилган бўлиб, съездолди ҳужжатлари: КПСС-нинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларининг мазмуни билан белгиланмоқда. Телевидение, радио эшиттириш ва матбуотнинг вазифаси ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси партиянинг программавий мақсадларини, жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш объектив зарурат эканлигини чуқур англашига эришишдан иборат.

Конференцияда Е. К. Лигачев нутқ сўзлади.

*Ҳар соҳада тежамкор бўлайлик*

## Ресурслардан оқилона фойдаланиб...

**Ангрендаги керамика комбинати коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида камида билан икки кун тежалган ресурслар ҳисобига ишлашга аҳд қилган эди. Коллектив ўз ваъдасининг устидан қандай чиқяпти? Шу ҳақда комбинат бош энергетиги В. ЛУКЬЯНЧИК мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

Комбинатимиз ишчи-хизматчилари партиямизнинг даъватига жавобан бу йил ками билан икки кун тежалган материаллар билан ишлаш ҳақидаги сўзининг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида тежамкорликка алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда яхши натижаларга эришаётган коллективлар ва айрим ишчи-хизматчилар ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Камчиликларга йўл қўйганлар эса кўпчилик ўртасида изза қилинмоқда, маъмурий жазоланмоқда. Ана шундай тартиб ҳар бир иш ўрнида тежамкорлик учун курашнинг кучайишига олиб келди.

Комбинатимиз цехларида материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежашга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бу ишга корхонанинг барча инженер-техник хизматчилари, ишчилар, рационализаторлар кенг жалб қилинди. Тежамкорлик учун курашнинг оммавий тус олиши яхши самара бермоқда. Кўпгина миқдорда хом ашё, электр энергияси ва ёқилғи иқтисод қилиняпти.

Масалан, 3-қоришма тайёрлаш цехида золдирли тегирмонларга хом ашёни аниқ миқдорда тўкадиган бункер схемаси такомиллаштирилди. Шу тадбир туфайли хом ашёнинг сарф бўлиши камайди. Айни вақтда маҳсулот сифати яхшиланди. Ишчиларнинг қўл меҳнати механизация зиммасига юклатилди.

Ишлаб чиқариш давомида синган ва яроқсиз ҳолга келган плиталар илгари ташлаб юбориларди. Ҳозир бунга барҳам берилди. Пардозлаш плиталари цехида у қайта майдаланиб, қоришма олиш учун бошқа материаллар билан аралаштирилади. Бу ана шу қоришма сифатининг яхшиланишига ҳам ёрдам бермоқда.

Корхона бошқа бўлинмаларининг коллективлари ҳам ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган чораларни кўрмоқдалар. Шу туфайли ҳам йирик ҳажмли плиталар цехида йил бошидан бери давлат планлари барча кўрсаткичлар бўйича ошиғи билан бажарилгани ҳолда 378 тонна пресс-порошок ва бошқа кўпгина материаллар тежаб қолинди. Бу цехда ресурсларни ҳисобга олиш, турли хил исрофгарчиликларга қарши кураш пухта ташкил этилган.

Комбинатда электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш алоҳида назорат остига олинган. Барча участкалар ва цехларда бундай материалларнинг сарфини кўрсатиб турувчи счётчиклар ўрнатилган. Улар мунтазам кузатиб турилади. Четга оғиш ҳоллари содир бўлса, унинг сабаблари дарҳол аниқланиб, бартараф этилади. Буюмларни куйдиришда эса ҳароратнинг белгиланган даражада бўлиши таъминланмоқда. Унинг ортиб кетишига ва бу билан ёқилғининг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмайди.

Умуман олганда бу йил тежамкорликдаги ютуқларимиз чакки эмас. Бу соҳада кескин бурилиш ясашга эришдик. Чунки илгарилари, ҳатто ўтган йили ҳам ресурсларнинг айрим турларини сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйган эдик. Бу йил эса акси бўлмоқда. Жумладан, шартли 150 тонна ёқилғи тежаб қолинди. Иқтисод қилинган электр энергияси миқдори 240 минг киловатт-соатни ташкил этди. Бошқа материаллар ва хом ашёдан ҳам анчагина миқдорда тежаб қолинди.

Лекин биз тежамкорликда янада яхши натижаларга эришиш имконини берадиган барча омиллардан фойдаланяпмиз деёлмаймиз. Бу ишда камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Айрим цех ва участкаларда материаллар ва хом ашёнинг исроф бўлиши, маҳсулотнинг бракка чиқиши ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Албатта биз камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун лозим бўлган барча чора-тадбирларни кўрамиз. Тежамкорлик учун кураш умумколлектив тусини олгани учун ҳам бу йўлдаги изланишларимиз самараси янада салмоқли бўлишига ишончимиз комил.

